

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БИЗНЕС РЕЖАНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТАҲЛИЛИ

Файзиева Нилуфар

PhD.доцент Тошкент давлат иқтисодиёт университети Иқтисодиёт кафедраси

Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш жараёнида корхоналарнинг муаян муддатга тузиладиган бизнес-режаси катта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат давлат иштирокидаги корхоналар учун бизнес-режани тузиш, уни тасдиқлаш, у бўйича маълумотларни тегишли ваколатли органларга тақдим этиш мажбурий тартиблардан ҳисобланади.

Мазмунан олиб қаралганда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ҳар қайси корхона учун бизнес-режа ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириш, фаолият учун зарур бўладиган моддий-захиралар, иш кучини жалб қилиш, маҳсулот(хизмат, иш)ни қулай шароитда ва нархда сотиш ҳамда корхонанинг рақобатга асосланган бозор шароитида муқим мавқеини эгаллаб, бош мақсади-максимал фойда олишгичи таъминлайдиган муҳим иқтисодий-молиявий стратегик ҳужжат ҳисобланади. Албатта, бизнес-режа корхоналарнинг қайси мулкчиликка ва соҳага тегишлилигига қараб ўзига хос шаклда ва мазмунда бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, давлат корхонаси ва унинг иштирокидаги корхоналар учун унинг муассиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у томонидан белгиланган ваколатли орган бўлиши мумкин бўлиб, давлат корхоналарининг бизнес-режаларининг шакли ва мазмуни ушбу муассис томонидан белгилаб берилади. Ўзбекистонда бу каби корхоналар учун давлат муассиси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес режаси умумий тартибда 14 та бўлимни ўз ичига олади. Бу бўлимларнинг мазмуни корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий маълумотларидан тортиб то стратегик мақсадларигача бўлган иқтисодий-молиявий жараёнларни одатда бир ва икки календарь йили учун режалаштирилишини қамраб олади.

Давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режасида молиявий индикаторлар таркиби

Жорий йилда
кутилаётган асосий
молиявий

Даромадлар
шаклланишининг
асосий манбаи

Харажатлар ва
таннархни
оптималлаштириш

Пул
оқимлари
прогнози

2.3-расм. Давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режасида молиявий индикаторлар таркиби¹

Мазкур режанинг 6-кўрсаткичлар бўлимининг иккинчи бандида молиявий режага алоҳида эътибор берилдики, бунда корхонанинг охириг икки йиллик асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили, яъни корхонанинг жами даромадлари, соф тушуми, жами харажатлари, таннарх ўсиши ёки камайиши, давр харажатлари, рентабеллик даражаси, дебиторлик, кредиторлик қарздорлиги, солиқ тўловлари, соф фойдаси (зарари) тўғрисидаги маълумотлар, ушбу кўрсаткичларнинг сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикаси (ўсиш, камайиш) кўрсатилади. Албатта, ўтган йилда кўрсаткичлар салбий томонга ўзгарганлиги ёки ижобий жиҳатдан сифат ўзгаришлар кузатилганда, бунга таъсир этган асосий омилларнинг иқтисодий изоҳи келтирилади.

Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)да корхонанинг жорий йилда кутилаётган асосий молиявий кўрсаткичлари, шу жумладан, даромадлар ва харажатлар режаси ёритилади. Жами олинган даромадлар, харажатлар, маҳсулот таннархи, даромадларнинг асосий қисмини қайси маҳсулот ташкил этиши, асосий харажатлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози) бандида эса, корхонанинг асосий даромадлари манбаи кўрсатилади, бунда жамиятнинг асосий фаолиятдан олинадиган даромадларидан ташқари бошқа фаолиятдан олинадиган даромадлар батафсил кўрсатилиши лозим (масалан, ижара, бўш пул маблағларини депозитга қўйиш, мол-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

мулк сотиш, асосий воситани ҳисобдан чиқариш, бошқа хизматлар ва ҳ.к.) ва уларнинг ҳисоб-китоблари келтирилиши лозим бўлади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режасида харажатлар ва таннархни оптималлаштириш ҳам алоҳида касб этади, бу бандда эса, корхонанинг асосий харажатлари таҳлили, уларнинг таркиби, харажатларнинг рентабеллиги даражаси, давр харажатлари таркиби (сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар ҳисоб- китоби), корхона томонидан жорий йилда амалга оширилган ҳомийик ва бегараз ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар, таннарх шаклланиши, таннархни ташкил этувчи асосий харажатлар, уларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар, режалар кўрсатилади.

Ҳар қайси олинган корхоналар учун молиявий механизмида уларга юклатилган солиқ мажбуриятларини бажариш жуда катта аҳамиятга эга. Айнан давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режасида ҳам бу жараёнга алоҳида эътибор берилиши, яъни, корхонанинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни, солиқ юки, давлат бюджетига асосий тўловлар таркиби, солиқ тўловлари бўйича қарздорлик, улар бўйича жарима ва пенялар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Бундан ташқари, корхонага берилган солиқ имтиёзлари, уларнинг миқдори, муддати, асослари, мақсади, имтиёзлар натижасида жамият ихтиёрида қолдирилган маблағларни сарфлашнинг йўналишлари кўрсатилади.

Таъкидлаш керакки, “Давлат корхонаси тўғрисида Низом”га кўра, корхонанинг муассиси, давлат корхонасининг муассиси бўлган Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткични назарда тутувчи корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи орган унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиб боради.

ФЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси.

2. Красикова Ольга Петровна. Совершенствование управления финансами предприятий с государственным участием. Специальность 08 00 10 - Финансы, денежное обращение и кредит. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону – 2008. с. 15.

3. Корчагин Юлиан Андриянович. Источники государственного финансирования. <https://center-yf.ru/data/ip/istochniki-gosudarstvennogo-finansirovaniya.php>

4. Павлов П.В. Финансовое право. Учебник. М.: 2013. https://studme.org/12760109/pravo/pravovye_osnovy_gosudarstvennyh_rashodov_finansirovaniya